

**“Зарб” ёш доирачилар Республика кўрик-танловининг
якуний босқичи тўғрисида
М А Ё Л У М О Т**

Болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига мувофиқ уларнинг ижодий ва бадиий қобилиятларини ривожлантириш, ўзбек халқининг энг қадимий санъат турларидан бири ҳисобланган доира санъатини ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, уларнинг иқтидорлиларини аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, мазкур санъатни янада ривожлантириш ҳамда келажак авлод орасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш шунингдек, марказнинг 2016 йилга мўлжалланган иш режасининг ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 21 апрель куни Тошкент шаҳрида “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт марказида “Зарб-2016” ёш доирачилар кўрик-танловининг Республика босқичи ўтказилди.

Мазкур кўрик-танловда ҳудудий босқичларида юқори натижаларни кўрсатиб ғолибликни қўлга киритган “Баркамол авлод” болалар марказлари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда Республика “Баркамол авлод” болалар бадиий ижодиёт марказининг жами 134 нафар энг истедодли тўғарак аъзолари ўзаро беллашдилар.

Кўрик-танловда ҳакамлар ҳайъати иштирокчилар чиқишларини Низом талаблари асосида баҳолаб, бунда, ижро маҳорати ва сахнада ўзини тутиши, сахна либосларнинг тўғри танланганлиги ҳамда шартларни белгиланган вақтда ижро этилишига алоҳида эътибор қаратдилар.



Тадбир якунида кўрик-танловнинг гуруҳ йўналиши бўйича 1-ўринни Республика “Баркамол авлод” болалар бадиий ижодиёт маркази “Тўйчи Иноғомов” номидаги доирачилар тўғараги аъзолари;

2-ўринни Бухоро вилояти Ромитан тумани “Баркамол авлод” болалар марказининг “Шодлик” доирачилар гуруҳи ҳамда 3-ўринни Тошкент шаҳар

“Баркамол авлод” болалар марказининг “Зарб” гуруҳи доирачилари эгалладилар.

Шунингдек, Якка ижро йўналиши бўйича 1-ўринни Хоразм вилояти Гурлан тумани “Баркамол авлод” болалар маркази тўғараги аъзоси Ф.Усаров;

2-ўринни Республика “Баркамол авлод” болалар бадиий ижодиёт марказининг “Тўйчи Иноғомов” номидаги доирачилар тўғараги аъзоси Ш.Шавкатов ҳамда 3-ўринни Тошкент шаҳри “Баркамол авлод” болалар бадиий ижодиёт марказининг “Зарб” гуруҳи тўғараги аъзоси Д.Хамидуллаевлар эгалладилар.

Кўрик-танлов совриндорлари “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт марказининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.



Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Фарғона вилоятлари гуруҳ йўналишида “Энг иқтидорли доирачилар гуруҳи” ҳамда яккахон йўналишда Тошкент, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари “Энг иқтидорли иштирокчи” номинациялари билан тақдирланган бўлсалар, қолган барча кўрик-танлов иштирокчиларига фаол иштироклари учун фахрий ёрлиқлар тақдим этилди.

Мазкур кўрик-танлов уч босқичда ўтказилиб, туман (шаҳар), ҳудудий ва Республика босқичларида жами 7700 нафардан ортиқ “Баркамол авлод” болалар марказлари ва умумтаълим мактабларидан ўқувчи-ёшлар қамраб олинди.

Директор

З.Товбоев